
Дўрманчада электр таъминоти яхшиланади

Аввалроқ, Бағдод тумани ҳокими Юсуфжон Хусаинов "Дўрманча" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кам сонли этник жамоа вакиллари билан учрашгани ҳамда ҳудудда электр таъминоти билан боғлиқ муаммолар манзилли ўрганилгани ҳақида хабар берилган эди.

Туман электр таъминоти корхонаси раҳбари Давлатжон Собировнинг таъкидлашича, мазкур мурожаатга асосан ҳудудга 10 дона темир-бетон таянчлар келтирилди ва ўрнатилди. Яқин орада янги тармоқ тортилиб, аҳоли сифатли электр энергияси билан таъминланади.

- Маҳалладаги трансформатор "юк"ини енгиллатиш мақсадида бу ҳудудга яна битта ТП ўрнатиш кўзда тутилган, - дейди Д.Собиров.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-19 14:17:21